

**Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент
шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро
судига**

**Тошкент ш., Юнусобод тумани,
Пиллачи кўчаси, 66 уйда яшовчи
Тешаев Темир Болтаевичдан
Тел. _____**

АРИЗА

(сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида)

Суднинг 11.11.2014 йилдаги даъвогар - Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман хоқимиятининг менга нисбатан ноқонуний қурилмани бузиш тўғрисидаги 1-4444/14-сонли фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қондирилган.

Мазкур фуқаролик иши менинг иштирокомсиз кўрилган, мен суд мажлиси бўлиб ўтадиган кун ва вақти ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилмаганман ҳамда мазкур куни соғлиғим ёмонлашганлиги боис, касалхонада даволанганман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПК нинг 230, 234 – моддалари талабларига асосан сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, фуқаролик ишини мазмунан кўриш учун тиклашингизни сўрайман.

Илова: Тошкент шаҳар, 7-сонли шаҳар шифохонасидан маълумотнома

_____ **Тешаев Т.**

(имзо)